



“ 26 ” ноя 2020 у № 41

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг ахборот хавфсизлиги сиёсатига мувофиқ Давлат статистика қўмитаси тизимида зарарли дастурлардан ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, **БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида зарарли дастурлардан ҳимоя қилишни ташкил этиш тўғрисидаги Низом (кейинги ўринларда - Низом) иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати, ҳудудий статистика бошқармалари раҳбарлари ва Кадрларни малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти директори ушбу Низом талаблари ва ижросини таъминласинлар ҳамда икки ҳафта муддат ичида статистика органлари ходимларини ушбу Низом билан таништирсинлар;

3. Давлат статистика қўмитасининг 2014 йил 20 февралдаги 14-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Раиснинг ахборот-коммуникация технологиялари ва ахборот хавфсизлиги масалалари бўйича ўринбосари З. Зияев зиммасига юклатилсин.

Раис

Б. Бегалов